



Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М И

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 207—211 (11.518—11.522)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз осойишталигини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган жасорати ва фидокорлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги мардлиги, мамлакатимизда барқарорликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун куйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Арипов Раим Рауфович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Асадов Ҳасан Даминович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари

Режевалиев Музафар Орунбаевич — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси тезкор вакили

Утешов Аскаралли Исметуллаевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Бонадисев Сергей Александрович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Эксперт-криминалистика бўлимининг катта эксперти

Лифанов Владимир Федотович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳарбий-сафарбарлик ишлари ва фуқаролар муҳофазаси бўлими бошлиғи

Эшонкулов Ганишер Мирзамахмудович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Мег Ландсейгер, Аге Баккер, Амбуаз Файоль, Хэ Цзянь Сюн, Томас Мозер ва Клаус Д.Штайндан иборат ижрочи директорлари миссияси Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун матбуот анжумани ўтказди.

Анжуманда улар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш борасидаги муваффақиятларини яна бир бор қайд этди.

Делегация номидан сўзга чиққан Германиядан ижрочи директор Клаус Д. Штайн делегация Тошкентга Истанбулдан келганини ва у ерда ХВЖ ҳамда Жаҳон банки Гуруҳининг ҳар йилги кенгашида асосан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози билан боғлиқ масалалар муҳокама этилганини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, инқирознинг турли мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини ўрганиш ва таққослаш миссиянинг Ўзбекистонга бу галги ташрифининг мақсадларидан биридир.

К.Штайн республикада қатор манфаатдор томонлар, шу жумладан, жамоатчилик ва хусусий сектор вакиллари билан учрашиш имкониятига эга бўлганидан мамнуният изҳор этди.

(Давоми 2-бетда).

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловида икки ой қолди.

Бугун республикадаги каби, пойтахтимизда ҳам халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг календарь режасида тасдиқланган ташкилий тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жорий йил 19 октябрдан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та сайлов округлари бўйича тузилган округ сайлов комисси-

ялари ўз фаолиятини бошлади.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги Қонуннинг 8-моддасига биноан сайловдан камид олтиш кун олдин сайлов участкалари тузилиши лозим. Сайлов жараёнининг муҳим бўғини ҳисобланмиш сайлов участкаларида, яъни маълумки, бевосита овоз бериш жараёни кецади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кен-

гашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида пойтахт маҳаллий Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов участкаларини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Қайд этилганидек, сайлов участкалари туман ҳокимликлари тақдимонасига биноан сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратилиши инobatта олингани ҳолда тузилди. Шаҳар кесимида сайлов

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ТИПНИК ВА ДЎСТЛАР
2200
2009
ТОШКЕНТ

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янгилашда, сифатини ошириб, рақобатбардошлигини таъминлашда, энг муҳими, бугунги харидор дидини топишда, талаб эҳтиёжини қондиришда, яъни нафақат ички, балки хориж бозорларни забт этишда корхоналарда ўрнатилган илғор техника, замонавий технологиялар янги авлодининг аҳамияти беқиёс.



Иқтисодиёт

ТАШҚИ БОЗОРДА ҲАМ ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

Шу боис ҳам замон билан ҳам-нафас ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг изланувчан тадбиркорлари бозорни чуқур ўрганиб, маҳсулот тайёрлаш, ички бозорда ўз ўрнига эга бўлиш мақсадида цехларни юксак унумли чет эл дастгоҳ ва ускуналари, шунингдек, технология линиялар билан жиҳозлашга, уларнинг қувватидан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратишмоқда. 2006 йилдан фаолият кўрсатаётган «Hi-Tech Kabel» Ўзбекистон—Буюк Британия қўшма корхонасида Австрия, Германия, Финляндия, Италия давлатлари жаҳонга машҳур етакчи компанияларининг энг замонавий дастгоҳ ва ускуналари мададида ҳозирда 400 нафар малакали ишчи-хизматчилар сифатли ва рақобатбардош кабеллар ишлаб чиқармоқда.

Мазкур қўшма корхонанинг барча маҳсулотлари —наст ва юқори кучлинишли кабеллар, кабель-ўтказгичлар Халқаро стандартлаштиришнинг бошқарув тизими ва сертификат сифати ИСО 9001-2000 сифат белгисига эгаллиги билан алоҳида афзалликлари билан Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Жорий йил бошида корхона аҳли 14 миллиард сўмлик кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

Шу ўринда буортмачиларга ҳам алоҳида тўхталиш жоиз. Навоий кон-металлургия комбинати,

«Ўзнефгазмонтаж», «Самарқанд электр тармоқлари», «Навоий электр тармоқлари» масъулияти чекланган жамиятлари, «Шўртангаз» унитар шўьба корхонаси юртимиздаги қурилиш, тоғ-кон, нефть-газ ҳамда кимё соҳаларида самарали қўлланиладиган маҳсулотларнинг йирик буортмачиларини ташкил этади. Эътиборли томони, икки йил давомида халқаро сифат белгисига эга маҳсулотлар «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси билан Қозғистон, Грузия, Украина, Афғонистон, Қирғизистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Бу давр мобайнида ушбу қўшма корхонанинг 3 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги ка-беллари хорижга жўнатилди. Бу борада, албатта ишчи-хизматчиларнинг малакаси, касб-маҳоратини алоҳида таъкидлаш ўрнили. Шу билан бирга, уларга яратилган ҳар томонлама қулайликларнинг самарасини ҳам айтиш керак. Цехлардаги қулай иш шароитлари, мавсумга мос маҳсул иш қийимлари, меҳнатга яраша мукофот ва рағбатлантиришлар шулар жумласидандир.

Харидор ва буортмачилар сафини кенгайтириш, уларга кенг қулайликлар яратиш мақсадида корхона тадбиркорлари доимий изланишда, унинг савдо уйи пойтахтимиз марказида жойлашган Ҳамдўстлик давлатларида эса кор-

хона ваколатхоналари иш юритмоқда. Бундан ташқари қўшма корхона ўз маҳсулотлари ва янги лойиҳалари билан юртимиз, хорижда ўтказиладиган электртехника соҳасига оид барча йирик тадбирларда фаол қатнашади. Ушбу корхона Халқаро «Интеркабель» ассоциациясининг тўлақонли аъзоси ҳамдир. Айнан халқаро доирадаги юқори нуфузли кўргазмалар — Германия, Болгария, Россия, Қозғистон, Қирғизистон ҳамда юртимизда ташкил этилаётган тадбирларда корхона нафақат иштирокчи, балки улар доирасида ташкил этилаётган семинар-йиғилишларда ёш, келажаги порлоқ мутахассислари муним мавзуларда чиқишлар қилишмоқда. Келгуси режалар устида ҳам корхона тадбиркорлари самарали иш юритмоқда.

Ҳаридор ва буортмачилар сафини кенгайтириш, уларга кенг қулайликлар яратиш мақсадида корхона тадбиркорлари доимий изланишда, унинг савдо уйи пойтахтимиз марказида жойлашган Ҳамдўстлик давлатларида эса кор-

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТДА: «Hi-Tech Kabel»
қўшма корхона маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

округлари жойлашувидан келиб чиққан ҳолда 653 та сайлов участкаси тузилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 17 сентябрдаги қарорининг олтинчи бандига кўра, белгиланган тартибда тузиладиган сайлов участкалари (кейинчалик участка сайлов комиссиялари ҳам) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов учун ягона бўлиши эътиборга олиниб, Тошкент шаҳрида тузилган 653 та сайлов участкаси парламентнинг қуйи палатасига ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов учун ягона ҳисобланиши белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Со-монахали Кришнани қабул қилди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республи-касининг 2010 йилги Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмиталари Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари кўмитаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари ижроси юзасидан парламент мониторинги» мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

● Самарқанд вилояти Булунгур туманида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган иккита кичик корхона иш бошлади. Чунончи, Ш.Жуманазаров ташкил этган «Кристалл Булунгур сервис» корхонасига замонавий технологиялар ўрнатилгач, бу ерда бир кеча-кундузда минг донна сифатли керамзит шлакоблок тайёрлаш йўлга қўйилди. «Янги Равот Аваз» корхонасида эса 80 миллион сўм маблағ эвазига келтирилган дастгоҳлар ёрдамида деворбоп материаллар ишлаб чиқарилмоқда.

● Когон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Бухорогипс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида янги маҳсулот — қуруқ қурилиш қоринчалари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатида фаолият кўрсатаётган КНАУФ компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур қўшма корхонада эндиликда бинокорликда қўлланиладиган тўрт хил қуруқ қурилиш аралашмаси тайёрланапти.

ЖАҲОНДА

● Кеча Уругвайда овоз бериш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг 90 фоизи иштирокида умумхалқ сайловлари бўлиб ўтди. Президентлик сайловларида дастлабки ҳисоб-китобларга кўра собиқ қишлоқ ҳўжалиги вазири Хосе Мохика етакчилик қилмоқда. Сайловчилар шунингдек, парламент депутатлари ва сенаторлар сайловида ҳам овоз бердилар.

● Финляндия ҳукумати «Шимолий оқим» газ қувурининг ўз худудидан ўтиши тўғрисидаги ҳужжатга 5 ноябрда имзо чекишини билдирди.

● АҚШ Президенти Барак Обама мамлакатда А/Н1Н1 гриппининг жуда тез тарқалиб бораётганлиги муносабати билан фавқулдда ҳолат эълон қилди. Касалликнинг олдини олиш мақсадида ноябрь ойида 50 миллион, декабрь ойида эса 150 миллион кишини эмлаш кўзда тутилмоқда.

● Кеча Ингушетия муҳолифатининг етакчиларидан бири Мақшарип Ашурев федерал трассада ўз машинасида кетаётган пайтда номаълум кишилар томонидан отиб ўлдирилган. Унинг ўлими бўйича ишни Россия Бош прокурори Юрий Чайка шахсан ўз назорати остига олишини билдирди.

● Кеча Бағдодда портловчи моддалар билан тўлдирилган иккита машинанинг камикадзелар томонида аҳоли гавжум жойда портлатилиши оқибатида 147 киши ҳалок бўлди, 720 дан ортиқ киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Портловчи моддаларнинг кучи 1,4 минг тротил эквивалентида бўлганлиги айтилмоқда. Ушбу йирик террорчилик ҳаракати муносабати билан Ироқда уч кунлик мотам эълон қилинди.

● Афғонистоннинг шимоли-ғарбий қисмида Рихтер шкаласи бўйича 6,2 балли zilзила содир бўлди. Ҳозирча талафотлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

● Кеча Испаниянинг Мадрид шаҳрида фермерлар иштирокида оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Улар экологик софликни таъминловчи яйловларни сақлаб қолишни талаб қилдилар.

● АҚШ ҳукумати Покистонга 7,5 миллиард доллар миқдорида молиявий кўмак беришга қарор қилди. Маълумотларга кўра, АҚШ давлати раҳбари шу тўғридаги ҳужжатга имзо чеккан. Ушбу маблағ 5 йил давомида ҳар йили 1,5 миллиард АҚШ долларидан йўналтириб турилади. У мамлакатда ночорликка барҳам беришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш учун сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН Аликулов Азамат Шероғич — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси отряди командири

Бадриддинов Рўзимурод Мехмонович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси инспектор-кинологи

Жумагелдиев Курбанияз Якуповавич — Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқул тумани Ички ишлар бўлимининг катта тезкор вакили

Жаркинов Қодир Алиевич — Самарқанд вилояти Ургут тумани Ички ишлар бўлими ёнги хавфсизлиги бўлимининг ҳарбий-лаштираш қисми смена бошлиги

Мадапопов Элмурод Солижонович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отрядининг катта мутахассиси

Расулов Нематжон Собирович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл-патруль хизмати бригадаси инспектори

Тожибоев Абдусамат Абдурашидович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси милиционер-ҳайдовчиси

Тошназаров Шухрат Мирмуҳаммадович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

Шеров Икром Анорович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва

терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Бадалбоев Маннон Якубович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисми катта инспектори

Жўрабоева Нигора Абдурахмоновна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот маркази инспектори

Измайлова Наталья Викторовна — Тошкент шаҳри Яққасарой тумани Ички ишлар бошқармаси статистика гуруҳи катта инспектори

Қаршибоев Убайдулла Атауллаевич — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Колонов Азамжон Обидович — Фарғона вилояти Данғара тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Мирзаев Салимжон Тўхтабоевич — Тошкент вилояти Юқоричирчик тумани Ички ишлар бўлимининг вақтинча сақлаш хибсонаси бошлиги ўринбосари

Муяссаров Асрор Акрамович — Бухоро вилояти Пешку тумани Ички ишлар бўлимининг катта терговчиси

Пармонов Истам Исмолович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 23 октябрь

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

К.Штайн журналистларнинг ХВЖ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишда Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастурини қандай баҳолаши ҳақидаги саволига жавоб қайтарар экан: «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистонга ўзининг салбий таъсирини деярли ўтказмади. Бунда ҳукуматнинг иқтисодий ўсиш ва инқироз таъсирига қарши туриш учун зарур бўлган қўллаб-қувватлаш чоралари жаҳонда ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб боргани муҳим омил бўлди», — деди.

«Бу, шунингдек, расмий идоралар томонидан жаҳон молия бозорларида иштирок этишда оқилона сиёсат олиб борилганининг ҳам самарасидир», — деди К.Штайн.

Бу борада ХВЖ вакили ҳукуматимиз томонидан ички бозорда талабни рағбатлантиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилганини таъкидлади.

«Биз бу чора-тадбирларни маъқуллаймиз», — деди у.

ХВЖнинг Швейцариядан ижрочи директори Томас Мозер мамлакатимизни 2009-2010 йилларда иқтисодий ривожлантириш прогнозлари хусусида сўз юритар экан, ХВЖнинг жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш истикболлари тўғрисидаги охириги нашрига мувофиқ, жорий йилда Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш 7-8 фоизни ташкил этиши кутулаётгани, 2010 йилда эса ушбу кўрсаткич 2009 йилдагидан паст бўлмаслиги тахмин қилинаётганини маълум қилди.

Шунингдек, Германиядан ижрочи директор Клаус Д. Штайн ХВЖнинг Ўзбекистонга нисбатан қатор позициялар бўйича нуктаи назари ўзгарганини, негаки, мамлакатимиз мураккаб жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида амалга ошираётган ўз иқтисодий сиёсатининг тўғрилигини исботлай олганини эътироф этди.

«ХВЖнинг Ўзбекистондаги иқтисодий сиёсати, амалга оширилаётган ислохотлар суръати, ташқи қарзлар сиёсати, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг роли, шунингдек, банк фаолиятини назорат қилишни баҳолашга нисбатан нуктаи назари сўнгги пайтда ижобий томонга кескин ўзгарди. Шубҳасиз, бунга Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида амалга ошираётган ўз иқтисодий сиёсати тўғри эканлигини намоеён эта олгани сабаб бўлди», — деб таъкидлади Клаус Д.Штайн.

Германиядан ижрочи директор Клаус Д. Штайн матбуот анжуманини янқунлар экан, делегация номидан: «Биз Халқаро валюта жамғармаси ва Ўзбекистоннинг расмий органлари ўртасида қарор топган самарали ҳамкорликни давом эттиришни қўллаб-қувватлаймиз», — деб таъкидлади.

(ЎЗА)

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайлов участкаларининг тартиб рақами, чегараси эндиликда шакллантириладиган участка сайлов комиссияларининг жойлашув манзилларини кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда чоп этилиши белгиланди.

Йиғилишда Учтепа тумани ҳокимининг маҳаллий давлат ҳокимияти ваколати доирасида сайловга оид амалга оширилаётган ташкилий ишлар юзасидан ахбороти тингланди.

Учтепа туманида 237 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилса, шундан 138 мингдан ортиғи сайлаш ҳуқуқига эга. Туман ҳудуди чегараси ҳамда сайловчилар сонидан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича етти та сайлов округи ва олти миш битта сайлов участкаси ташкил этилди. Туман ҳокимининг ахбороти қўра, округ сайлов комиссиялари ва эндиликда тузиладиган участка сайлов комиссиялари учун ажратилган бино ва хоналар тўлиқ талабга жавоб беради ва сайлов ўтказишга шай қилинган.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, бугунга қадар етти та туман кесимида сайлов комиссиялари бўйича мониторинг ўтказилган. Барчаси мебель, телефон, компьютер билан жиҳозланган, сайловларга оид адабиётларнинг тўплами ҳам мавжуд. Шу билан бирга баъзиларида комиссияларнинг, жумладан, ташкилий техника воситалари билан таъминланишида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Шуларни инобатга олган ҳолда, округ сайлов комиссияларининг ҳамда ушбу масалада ваколатга эга бўлган шахсларнинг ўз фаолиятини ва юклатилган вазифаларни сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқлаштириши ва бу борада маъсулиятини ошириши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Шаҳар сайлов комиссияси эътиборига шунингдек, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент телефон тармоғи» филиали томонидан сайлов кампанияси даврида 60 та округ сайлов комиссиясини ва тузиладиган 653 та участка сайлов комиссиясини шахар телефон алоқаси билан тўлиқ ва узлуксиз таъминлашга тайёрлиги юзасидан ахборот тақдим этилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Қиш тайёргарликни ёқтиради

«УЧТЕПА ТУМАНГАЗ» МАВСУМГА ТАХТ

Учтепа — пойтахтимизнинг ҳудудий жиҳатдан энг йирик ва аҳоли сони жиҳатдан гавжум туманларидан бири ҳисобланади. Айни чоғда мазкур туманда 57 минг 366 та жонадон мавжуд бўлиб, шундан 37 минг 604 тасини кўп қаватли уйлар, қолганини эса хусусий жонадонлар ташкил этади.

Агар уларга 400 тадан зиёд яқна тартибдаги иш юритувчилар, 70 та саноат корхонаси ва қарийб 400 га яқин миллий хизмат кўрсатиш корхоналарини қўшиб ҳисобласак, уларни куз-қиш мавсумида узлуксиз газ билан таъминлаш учун кўп ишлар қилиниши талаб этилади.

Бундай улкан маъсулиятни чуқур ҳис этишган «Учтепа тумангаз» фойдаланиш хизмати жамоаси ёзнинг дастлабки кунлариданоқ ушбу ишга жиҳдий киришганди.

— Шу мақсадда ҳудудимиздаги умумий узунлиги 348,2 километрлик газ қувури, 146 та газ тақсимлаш мосламаси тўлиғича назоратдан ўтказиб чиқилди, — дейди биз билан суҳбатда газдан фойдаланиш хизмати бошлиғи Баҳодир Мирзахмедов. — Улар юз фоиз тайёр ҳолга келтирилиб, қарийб 14 километрлик ер устки газ қувурлари таъмирланди. Мавжуд газ ускуналари, дудбуронлар тозаланиб, мавсумга тахт этиб қўйилди. Шунингдек, ҳудудимиздаги «Шофайзи боғи», «Уриқзор», «Кўркамобод» маҳаллаларига қўшимча газ тақсимлаш анжомлари ўрнатиб берилди. Бу эса нафақат шу ерда истиқомат қилаётган аҳолини, балки бошқа газдан фойдаланувчиларни ҳам узлуксиз табиий газ билан таъминлаш имкониятини беради.

— Шу билан бирга газдан фойдаланиш хизмати жамоаси фақат юқоридаги ишларни амалга оширибгина қолмай, аҳоли ва улгуржи истеъмолчилар бўйича юзага келган дебиторлик қарздорликларни бартараф этишга ҳам жиҳдий киришган.

Бу эса келгусида истеъмолчиларга янада намунали хизмат кўрсатиш имкониятини беради.

(Ўз мухбиримиз)



Ушбу лойиҳага кўра қуни кеча 222-мактабда шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази тўғрарак ва студияларининг «Очиқ эшиклар кўни» тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Мирзо Улуғбек туманидаги 112, 222, 241, 275-умумтаълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари, ота-оналар, «Наврўз», «Авайхон», Алишер Навоий, «Олтинтепа» маҳаллалари фаоллари ва аҳолиси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ходимлари иштирок этди.

— Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари нафақат турли ҳуқуқбузарликлар содир этишларининг олдини олади, балки уларни касб-ҳунарга йўналтириши барчага маълум. Бу борада ҳар бир ўқувчининг камида битта тўғраракка ёки спорт секциясида иштирок этишини таъминлаш мақсадга муво-

Янги лойиҳалар

БИЛИМ — КУЧ, ҲУНАР — ЗАР

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича комиссия билан ҳамкорликда «Билим — куч, ҳунар — зар» лойиҳасини амалга оширмоқда.

фиқдир, — дейди шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг маънавий-маърифий ишлар бўлими мудири ўринбосари Раъно Мағдиева. — Бугунги «Очиқ эшиклар кўни»ни ўтказишдан мақсад ҳам вояга етмаган ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни тўғраракларга жалб қилиш, болаларда билим ва санъатга бўлган муҳаббатни ривожлантириш, умумий таълим муассасалари ва маҳаллаларда мактабдан ташқари таълимни ривожлантиришдан иборат. «Очиқ эшиклар кўни» тадбиринан сўнг мактаб қошида шаҳар ўқувчилар ижодиёти марказининг филиали ўз ишини бошлади. Филиалда қуйидаги тўғрарак ва студияларнинг фаолият юритиши режалаштирилмоқда. Бисер тўқиш, бадий тўқиш, гул ясаш, замонавий парда тикиш, кулчилик, тасвирий санъат, рақс — «Кўзумчўк» дастаси, «Севинч» вокаль-эстрада дастаси, «Зарб» доирачилар дастаси, инглиз тили, экология, либослар дизайни шулар жумласидан. Лойиҳада режалаштирилган

ишлар амалга оширилса, вояга етмаган ўқувчи ёшлар дарсдан бўш вақтларини билим ва ҳунар эгаллашга сарф этадилар, шаҳар чеккасида жойлашган маҳалла аҳолиси ва мактаб ўқувчилари ўз ҳудудларидаги марказ тўғрараклари ва ўқув қўрсарига қатнаш имкониятига эга бўладилар, оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги имкониятлари кенгайди, ота-оналар ва ўқитувчиларнинг вояга етмаган болаларнинг бўш вақтларини назорат қилишлари осонлашади.

Тадбирда қатнашган ўқувчилар ёш иходкор ўқувчилар томонидан яратилган кўрғазмали коллекцияларни томоша қилиб, ўзлари қизиққан, ёқтирган йўналишларни белгилаб олишди ва тўғраракларга аъзо бўлишди.

Бу тадбирнинг бошқа тадбирлардан ўзгача жиҳати шундаки, шаҳар чеккасида жойлашган мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини қизиқарли ва мазмунли ўтказиш, уларни ёшлиқдан меҳнат қилишга, ҳунар ўрганишга жалб қилишдан иборат.

Нилуфар ХУДОЙБЕРДИЕВА, ЎЗДЖТУ талабаси

Транспорт

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси томонидан тўла риоя қилинмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида уюшма бўйича меҳнат муҳофазасига 75 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Корхона ва ташкилотларда маъмурият ва касаба уюшма кўмиталарининг меҳнат муҳофазаси бўлими томонидан тузилган тадбирлар режаси ҳам изчил амалга оширилмоқда. «Ишчиларга хавфсиз меҳнат шароити» деган шior остида ҳафталиклар уюштириш ҳам йўлга қўйилди.

ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Пойтахтимиздаги «4-автохизмат» очик акциядорлик жамиятида санитар-маиший комплекслардан унумли фойдаланилмоқда.

Ҳозир бундай комплекслардан бир нечтаси таъмирдан чиқди. Шунингдек, иситиш тармоғи реконструкция қилинди. Бунинг учун 1,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. «4-автокорхонада»ги санитар-маиший комплекси эса қайта таъмирланди. Кузги-қишки мавсумни муваффақиятли ўтказиш мақсадида 2-автобус саройида ҳам бундай бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

Тошкент метрополитенида станция навбатчилиги бўйича хизмат қилаётган ходимлар малакасини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Метронинг «Тошкент», «Машинасозлар» бекетида навбатчилик яхши йўлга қўйилаётгани сабаби ҳам ана шундан.

Ўз касбининг фидойислиги ҳисобланган Зера Манзулованинг фидокорлиги яқинда муносиб тақдирланди. Мана, 20 йилдики у йўловчилар ҳурмати қозониб келмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Шу маънода Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежиди ўзгаришлар, таълим сифатини янгилаш борасидаги ўқув режаларининг амалиётга таъбиқ этилаётгани кишини қувонтиради. Ушбу коллеж 1995 йили ташкил топган. Утган ўн тўрт йиллик вақт мобайнида ўқитувчи-педагогларнинг касбий малакасини ошириш, ўқувчиларга билим бериш замонавий усулларининг меъёрий тизимини ишлаб чиқиш борасида фаолият олиб борилмоқда. 78 нафар ўз соҳасининг етуқ эгалари бўлган ўқитувчи-мураббийлар 1702 нафар ўқувчиларга банк иши, бухгалтерия ҳисоби, қимматли қозғолар билан ишлаш, суғурта иши бўйича билим ва кўникмалар бериб келишмоқда.

Коллежда ҳар йили «Ассалом, Наврўз», «Ёшлар гивандликка қарши», «Кўзимини очайлик — оғоҳ бўлайлик», «Соғлом она ва соғлом бола», «Уруш бўлмасан жаҳонда», «Менинг ардоғимсан, эй она тилим», «Сиз азиз, муқаддасиз аёл», «Рах-

Ўқув юртларида ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ислохотларнинг янада кенг қўлақ ёйишида ўзига хос замин вазифасини ўтади.

мат сизга, устозлар» сингари маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинади. Уларда маҳалла оқсоқоллари, фан, таълим фидойилари, маънавий-маърифий соҳа вакиллари иштирок этишиб, истиқлол йилларида халқимизнинг бой маданий меросига кўрсатилётган эътибор, миллий меросимизни асраб-авайлашда аждодлар аънасанасига содиқ қолиш сингари умуммиллий жиҳатлар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришади.

Кекса авлод вакиллари билан учрашувлар ўқувчиларимиз дунёқарашини да ўзига хос саҳифа очмоқда, уларни маъна уйлантирмоқда. Ҳозирги кунда коллежимизда умумтаълим, аниқ, гуманитар, умум-миллатсод фанлар, банк иши, жисмоний тарбия ва чакриққа қадар тайёрлаш кафедралари фаолият юритаётган бўлиб, уларда юксак малакали ўқитувчилар сабоқ беришмоқда.

Хусусан, бизнинг умумтаълим фанлари кафедрасида фаолият олиб бораётган 17 нафар ўқитувчи-педагоглар тил ва адабиёт фанининг сирасорларини ўқувчи-ёшларга пухта ўргатишга ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, бугунги дорилмомон кунлар учун азиз жонларини ҳам аямаган Махмудхўжа Бехбудий, Муҳаммадшириф Суфизода, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир сингари маърифатпарварларнинг ижодий ва

Хайрли анъаналар

ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА ҚОВОҚ САЙЛИ

Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш ва одамларни хасталикдан огоҳ этиш, шифобахш мева ва сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилиш амалий натижа беришини талабалар онгига сингдиришга катта аҳамият қаратмоқдалар. Айниқса амалий ва кўргазмали машғулотларда бу масала доимий диққат-эътибордадир.



Куни кеча Тошкент Тиббиёт академияси ҳовлисида бешинчи бор қовоқ сайли байрами ташкил этилди. Тиббиёт академияси ташаббуси билан уюштирилган Қовоқ сайлининг асосий мақсади оқилона овқатланишни ташкил этишда қовоққа бўлган микроэлемент ҳамда витаминлардан унумли фойдаланишнинг аҳамиятини талабаларга амалий тарзда ўргатишдир. Маълумки, қовоқ маҳсулоти инсон учун керак бўлган ўзига хос оксилан, витаминлар, ферментлар, тузлар, ёғлар уйғун бирлашганлиги туфайли осон ҳазм бўлади, тангага тез сингади. Шунинг учун ҳам қовоқ болалар ва касаллар учун энг маъқул парҳез таом ҳисобланади. Энг муҳими, шифокорлар-

нинг кузатишларига кўра, қайси мамлакатда қовоқ мунтазам истеъмол қилинса ўша мамлакатда узоқ умр кўрувчи инсонлар кўп бўлар экан. Қовоқнинг одамларни юрак-қон томир, ҳазм аъзолари, подагра, атеросклероз ва саратон касалликларидан сақлаши ҳам фахрга маълум. Бундан ташқари, қовоқ инсон организмда қариш фаолиятини сустайтириш хусусиятига эга...

Энди бевосита Қовоқ сайли байрамига тўхтайдиган бўлсак, Тошкент Тиббиёт академияси, шаҳримиздаги тиббиёт йўналишидаги коллежлар академиянинг Урганч филиали ҳамда Андижон тиббиёт институти жамоалари томонидан анъанавий сайилга

катта тайёргарлик кўрилди. Тадбирда қовоқ сабзавотига тааллуқли бўлган илмий-амалий маълумотлар ўрин олган стендлар, кўргазмалар ташкил этилди, қовоқдан тайёрланган турли таомлар намуналари ва уларни янги-янги пишириш усуллари кўрсатилди, шунингдек, «Қовоқ дўсти-миз» номи билан академиянинг «Тиббиётнома» газетаси чоп этилди.

Қовоқ сайли ҳақиқий байрамга айланиб кетди, ёш иқтидорли санъаткорларнинг чиқишлари, академиянинг «Адреналин» ижодий гуруҳининг қовоқ ҳақидаги ханго-малари, ширқовоклар танлови, лотерея, викторина ўйинлари айниқ-са тадбир қатнашчиларига хушнуд-

лик бахш этди.

Қовоқ билан боғлиқ турли танловларнинг ташкил этилиши эса тадбирга ўзгача фойда киритди. Бунда «Қовоқнинг шифобахш хусусиятларини намойиш этувчи ўқув стендлари ва мазали қовоқ таомлари учун» номинациясида даволаш, ОМХ ва тиббий-педагогика факультетлари жамоалари фойда чиққан бўлса, «Қовоқ дори-дармонлари кўргазмаси учун» йўналишида Тошкент фармацевтика институти, «Элхондин» фирмаси энг яхши кўрсаткичларга эришишди. «Ажойиб қовоқ таомлари ва десертлари учун» йўналиши Андижон тиббиёт институти ҳамда академиянинг Урганч филиали жамоаларига

омад келтирди. «Катта қовоқ» номинациясида I ва II клиника жамоалари, «Кичик қовоқ» бўйича эса II клиника жамоаси ғолиблар сафини бошқаришди. Шу ва бошқа танловларнинг ғолиб ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ҳамкорлик қилиш бўйича Тошкент Тиббиёт академиясида ташкил этилган Қовоқ сайлидан лавҳалар, Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

Санъат

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ТАРАДДУДИ

Пойтахтимизда «Ҳумо» халқаро фестивалини ўтказиш яхши анъананага айланиб қолди. Ёшлар театрлари учун маҳорат кўригига айланган бундай тадбирнинг навбатдагисига ҳозирлик кўрилмақда.

Ўзбекистон Ёшлар театри фестивалда фаол қатнашиш мақсадида қатор постановкаларни тайёрлашга киришди. Ўзбек-грек, ўзбек-исроил лойиҳалари доирасида саҳналаштирилаётган спектакллари тайёрлаш жараёнида актёрлар чет эллик санъаткорлар билан яқин алоқа ўрнатилди.

Машҳур драматург Мольернинг «Тартюф» асарини ҳам фестивал дастурига киритилди.

ОСОРИ-АТИҚАЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Давлат санъат музейи экспозициялари янги экспонатлар билан бойиб бормоқда. Бу осори-атиқалар асосида кўргазма ташкил этилди.

Тошкент шахрининг қадимий дарвозаларидан бири ҳисобланган «Шайхонтоҳур дарвозаси» эса ушбу экспозициянинг бош экспонати сифатида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Қайрағоч дарахтидан ясалиб, ажойиб нақшлар билан сайқаланган икки табақали мазкур дарвоза XIX аср ўрталарида Қўқон шаҳрида марғилонлик усталар томонидан бунёд этилган эди.

Янги олинган амалий санъат намуналарига доир осори-атиқаларни тарғиб қилиш тадбирлари кўрилди. Бу хил ижод намуналари учун алоҳида бурчак ташкил этилди.

ОРКЕСТРНИНГ КОНЦЕРТ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри янги ижодий мавсумга катта тайёргарлик кўрди. Ўзбекистон бастакорларнинг қатор асарлари ҳам концерт репертуаридан жой олди.

Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда уюштирилаётган мусикали кечаларда ҳам оркестр ўз ижрочилик маҳоратини намойиш қилади. Оркестрнинг гастроллари ҳам ўтказилди.

Фан

ШИФОБАХШ ПРЕПАРАТЛАР

Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимлик моддалари кимёси институти олимларининг изланишлари ижобий самаралар бермоқда.

Илмий муассаса ҳузурида фаолият кўрсатаётган доришunosлик ва кимё-терапия лабораторияси томонидан яратилган препаратлар ҳам амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Марказий Осиёда табиий бирикмаларнинг дори-ворлик хусусиятларини ўрганувчи ягона илмий марказ сифатида фаолият кўрсатаётган бу лабораторияда жорий йилнинг ўзида ўнга яқин шифобахш ўсимликлар хоссалари ўрганилди.

ИЛМИЙ МАРКАЗ ГРАНТИ АСОСИДА

Тошкент Давлат техника университетининг самолётсозлик факультетида илмий изланишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Физика ва кимё кафедрасида олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари амалиётга кенг татбиқ қилинмоқда. «Даврий номейли кристаллар» деб номланган йирик тадқиқот Германиядаги «Даад» илмий маркази гранти асосида юзага келди. Москва Давлат университети физика факультети олимлари билан ўрнатилган ҳамкорликда эса «Интеграл оптикаси» йўналишидаги изланишларга қўл урилди. Янги илмий тўплам босмага тайёрланди.

ЖАМИЯТ ЁН ЁШДА

Ўзбекистон Ёш олимлар миллий жамияти ташкил топганига ўн йил тўлди. Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузурида фаолият кўрсатаётган бу жамият атрофига уюшган иқтидорли тадқиқотчилар изланишлари асосида қатор нашрлар босмага тайёрланди.

Маҳаллий шароитларда ўзига хос маънавий аҳамиятга эга бўлган қадриятларни қайта тиклаш, авайлаб-асраш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам юзага келди. Уларнинг айримлари босмага тайёрланди.

Анвар ВАҲОБОВ

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти билан Санкт-Петербург давлат темир йўл университети ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ўзаро келишувга биноан университетда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти талабалари ўқуви ҳам ташкил этилмоқда.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ

Шу йўл билан 30 нафардан ортқ толиби илм Санкт-Петербургда ўз билан ва малакасини оширди.

2008-2009 ўқув йилининг ўзида 13 нафар битирувчига йўлланма берилди. 9 нафар талаба яхши ўқиганлиги учун аспирантурага қабул қилинди. Тузилган шартнома асосида ҳозир ўзбек ёшларидан бир нечтаси университетда таҳсил кўрмоқда.

Озод АҲМЕДОВ

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» рисолисида кишиларда юксак маънавиятни шакллантиришда оила ва маҳалла омилларининг қанчалар муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таҳлил этилган. Шунга кўра, намунали маҳаллаларнинг маънавий тарбия соҳасидаги тажрибасини ўрганиш ўзига хос аҳамият касб этади. Яққасарой тумани ва шу ҳудуддаги Юнус Ражабий маҳалласининг маънавий тарбия соҳасидаги тақдироти Академия тингловчилари учун амалий бир сабоқ вазифасини ўтади. Туман ҳокимлиги ходимлари ва айниқса, маҳалла оқсоқоли Михаил Киктевнинг соф ўзбек тилида ҳудудда олиб борилаётган ишлар ҳамда республикамизда маҳалла ижтимоий институтининг жорий этилиши ўзбекна турмуш тарзини, миллий қадриятларни асраш ва ривожлантириш йўлидаги жиддий бир қадам бўлгани хусусидаги мулоҳазалари тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

Юртбошимизнинг рисолисида таъкидланганидек, жамоавийлик тўғрисида нафақат ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган, балки Ўзбекистон халқининг, жумладан, 29 миллат вакиллари истиқомат қилаётган Юнус Ражабий номи маҳалла аҳолиси мисолида ҳам ўзининг ҳаётбахш ифодасини топомқда. Шундай мулоҳазалар давра суҳбатиде иштирок

ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРГА БОЙ АНЖУМАН

Яққасарой туманидаги Юнус Ражабий маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Давлат ва жамият қурилиши факультети тингловчилари учун «Маънавиятни шакллантирувчи омиллар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Этган Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи профессор Иброҳим Абдуғаниев, Яққасарой тумани ҳокимининг ўринбосари Илхом Алимов, Яққасарой тумани ўқувчилар ижодий маркази раҳбари Дилором Яёвва, Давлат ва жамият қурилиши академияси «Маънавият ва бошқарув маданияти» кафедраси профессор-ўқитувчилари Шухрат Ризаев, Улугбек Саидов ва бир қатор тингловчиларнинг чиқишлари ҳам таъкидланди.

Давлат ва жамият бошқарувининг турли йўналишлари учун тайёрланаётган

тингловчиларнинг бошқарувининг замонавий усулларини ўзлаштиришларида бундай амалий тажрибалар муҳим аҳамиятга эга эканлиги айтиб ўтилди.

Давра суҳбатидан сўнг тингловчилар туман ҳудудидаги Республика халқ амалий санъати музейи, Юнус Ражабий ва Абдулла Каҳҳор уй-музейларида бўлиб, миллий маънавиятимиз тараққиётида маданият ва санъат соҳалари ва унинг йирик намоёндалари ҳаёти ва ижодида оид маълумотлар билан бевосита яқиндан танишдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Соғлом она — соғлом бола

АҲИЛ ОИЛА АСОСИ

Алло таоло Куръони каримда оила ва никоҳнинг муқаддаслиги тўғрисида шундай баён қилади: «Ўз жинсларингиздан сизлар учун жуфти халоллар яратиб берди, токи улар билан ҳаловатли турмуш кўрайсизлар. Урталарингизда меҳру муҳаббат туйғусини пайдо қилди. Бу эса Аллоҳнинг биру борлигининг нишонларидандир. Ақл-идрокли фикр юритувчилар учун бунда кўп ишоратлар ва аломатлар бордир».

Дарҳақиқат, никоҳ ва оила доимо долзарб масалалардан ҳисоблаб келинган. Ислом динида ҳам, халқимизнинг менталитетиде ҳам унга эътибор билан қараб, оила муҳаббатининг таъминлашда барча бирдек масъул саналган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, келин-куёв шаръий никоҳдан олдин никоҳни қайт қилувчи давлат идоралари рўйхатидан ўтиб, расмий гувоҳнома олган бўлишлари лозим. Расмий никоҳдан ўтмаган, ФХДЭ гувоҳномасига эга бўлмаган ёш оилалар ажрашиб, она тирик етим боласи билан кўчада қолишини ҳисобга оладиган бўлсак, шаръий никоҳ шартларига давлат идораси томонидан берилган ФХДЭ гувоҳномасининг бўлишларини ҳам муҳим шартлардан бири деб эътибор қилиш ўринлидир. Имомларнинг ФХДЭ гувоҳномасини суриштирмай никоҳ ўқишлари ёш оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқларини қамсити бўлса, гувоҳномани кўриб, сўнгра никоҳ ўқишлари ҳуқуқий жамият барпо қилаётган бир вақтда ёш оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқини муҳофаза қилишдир.

Никоҳ ва оила масаласига ота-оналар ҳам доимо катта аҳамият беришлари лозим. Улар ўз фарзандларининг ёш жиҳатдан оила қуришга тайёр эканлигига тўла қаноат ҳосил қилиб, сўнгра никоҳдан ўтказишлари шарт. Бу ўринда Ўзбекистон Республикасининг «Оила» кодексига белгиланган баалоғат ёшнинг эътиборга олиш катта аҳамиятга эгадир.

Киши ҳаётида бир марта бўладиган умр савдоси бўлиши никоҳ масаласи доимо кенг муҳофаза ва кенгаш билан амалга оширилганлиги маъқулдир. Шу ўринда пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадиси шарифларини эсга олиш жоиздир: «Қизларни турмушга чиқариш тўғрисида оналари билан маслаҳатлашинлар».

Албатта, никоҳ тўйсиз бўлмайди. Бу қадимдан диёримизда миллий анъана сифатида давом этиб келаётган азалий урф-одат. Бу ҳақда ҳам Пайғамбаримизнинг шундай ҳадислари бор: «Никоҳда бир кўй сўйиб бўлса ҳам зиёфат беринг».

Шунинг учун ҳам икки ёш катта орзу-умидлар билан турмуш қураётганлигини элга маълум қилиб, тўй берилади. Муваққиллик йилларида оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 27 миллиондан ортқ аҳоли яшайди, шулардан 52 фоизини хотин-қизлар, 48 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Ўзбекистонда 6 миллион 300 мингдан ортқ оила мавжуд. Конституциямизнинг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Оилалар тинч-тотув яшаса, жамиятга келтирадиган ютуқлар ҳам кўпаяди, фарзандлар яхши тарбия олади. Оилаларга ғамхўрлик қилиш ва унга ҳар тарафлама моддий ва маънавий ёрдам бериш, инсонпарвар демократик давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов оиланинг жамиятдаги ўрнига баҳо бериб, шундай дейдилар: «Оила — жамиятнинг негизи, бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва тартиб

бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинадиган, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекистоннинг ахсарияти ўзининг яшаш фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғларини ва яқин одамларининг, қўшинларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиши биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир».

Никоҳ лугатда «қўшиш», «жамлаш», «яқинлик» маъноларини англатади. Маълумки, Аллоҳ таоло оламдаги барча нарсаларни жуфт-жуфт қилиб яратган. Куръони каримда: «Сизлар эслатма олишларингиз учун биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик».

Шаръий никоҳдан ўтиш учун ислом дининимизда келин-куёвлардан талаб қилинадиган бир неча шарт ва одоблар бор. Улар қуйидагилар:

1.Никоҳдан ўтувчиларнинг оқил бўлишлари. Яъни, ақллари жойида, руҳий касалликлардан холи бўлишлари.
2.Ийжоб ва қабул. Яъни, икки турмуш қурувчининг розиликлари.
3.Гувоҳлар.Яъни, келин-куёвдан ташқари энг камиде икки эркак ёки бир эркак билан икки аёл ҳозир бўлиши.
4.Кўёвнинг оила тебратилган моддий жиҳатдан қодир бўлиши.
5.Маҳр. Яъни, кўёвнинг келинга берадиган ҳаққи.
6.Никоҳ хутбасини ўқимоклиги. Юқорида зикр қилинган шарт ва одоблардан бошқа никоҳ шартларига ҳам амал

қилиш лозим. Жумладан, давлатимизнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун ва қарорлариде келин-куёвнинг никоҳдан ўтиш вақтида баалоғат ёшида бўлишлари (15-моддада никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш қилиб белгиланган) ва шаръий никоҳдан олдин қонун никоҳ қайд қилиш ФХДЭ идоралари рўйхатидан ўтиб, расмий никоҳ гувоҳномаларини олишлари шарт.

Афсуски, ҳозирги кунда баъзи норасмий домларлар ўзбошимчилик билан юқорида айтилган никоҳ шартларини сўраб-суриштирмасдан ёшларга никоҳ ўқимокда. Натижада ёш оилалар ажрашиб, ўртада гўдақлар тирик етим, она бебаҳт бўлиб қолимоқда. Имом хатибларимиз шариятнинг ушбу ҳуқуқларини (қонун-қоидаларини) ёш келин-куёвларга тушунтириб қўйишлари лозим бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқиб шаҳримиздаги барча расмий жоме масжид имом хатибларига қуйидагиларни тавсия қиламиз.

1. Никоҳни жоме масжиди имом хатиблари ёки расмий ноиб имомлар ўқисинлар.
2. ФХДЭ идоралари томонидан берилган гувоҳнома кўрсатилган тақдирда шаръий никоҳ ўқисин.
3. Никоҳ жараёнида келин-куёв тарафидан яқин кишилар гувоҳ сифатида қатнашин.
4. Никоҳдан ўтадиган оилалар масжидда алоҳида никоҳ дафтарига қайд қилинсин.
5. Оиладаги эр-хотиннинг бурчларини тушунтириш.

Муваққил мамлакатимиз келажаги соғлом авлодга боғлиқдир. Ушбу авлодга эса соғлом оналар зарур. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай марҳамат қилади: «Оналар болаларини тўлиқ икки йил эмизацилар (бу муддат) эмизичи қанамолига етказишни истовчилар учундир...» (Бақара сураси 233-оят), бошқа бир оятти каримда эса: «...унга ҳомилдор бўлиш ва уни (судтан) ажратиб (муддат) ўттиз ой-дир...» (Аҳқоф сураси 15-оят). Демак, она фарзандини судтан чиқаргунча навбатдаги фарзанд бўлиб қолишдан ўзини сақлаши лозим, бу эса фарзанднинг руҳан ва жисмонан соғлом ўсиб, улғайишига сабаб бўлади. Чунки эмизичли хотиннинг бола эмизичи давридаги руҳий ва жисмоний ҳолати ҳам болага таъсир этмай қолмайди. Баъзи бир оилаларда фарзанд бир ёшга етмасдан иккинчи фарзанд туғилмоқда. Натижада нафақат бола, балки онанинг ҳам соғлигига зарар етмоқда. Ушбу масалаларни имом домларимиз жумъа маърузаларида жойлардаги никоҳ тўйи ва ақика муносабати билан бўладиган йиғинларда ватандошларимизга тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Мақсад, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдан иборат.

Эргашли РУСТАМОВ, Тошкент шаҳар бош имом хатиб ўринбосари

Футбол бўйича мамлакат XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 26-турда йирик ҳисоб қайд этилди.

Футбол

ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБА

«Пахтакор» марказий стадионида азалий рақиблар «Пахтакор» — «Навбахор» жамоалари ўзаро беллашишди. Очиғини айтганда мамлакатимизнинг бу икки етакчи жамоаси ўртасидаги ҳар бир учрашув кизиқарли, шиддатли курашлар остида кечган. Бироқ, бу сафар акси бўлди. Учрашув давомида мезбонлар тўлиқ устунлик қилишди. Хавфли вазиятлар, шиддатли ҳужумлар фақат меҳмонлар дарвозаси олдида содир этилди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. 90 дақиқа мобайнида стадионга йиғилган мухлислар етти голнинг гувоҳига айланушди. Меҳмонлар дарвозасига голларни Гейнрих (3 та), Аҳмедов (2 та), Ўрунов, Ф.Тожиев (пенальти) киритишди.

Ушбу турнир «Машъал» — «Бунёдкор» баҳси маълум сабабларга кўра бошқа кунга қолдирилди.

Қолган учрашувлар куйидагича яқунланди: «Андижон» — «Металлург» — 2:2, «Бухоро» — «Сўғдиёна» — 0:0, «Шўртан» — «Динамо» — 3:2, «Олмалик» — «Қизилқум» — 2:0.

(Ўз мухбиримиз)

Самбо

БОЛГАРИЯДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН



Болгарияда самбо бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 50 га яқин мамлакатдан 400 нафар ёш самбочилар ғалаба учун кураш олиб боришди.

Бизнинг терма жамоамиз таркиби 14 нафар самбочидан ташкил топган бўлиб, 52 килограммгача спортчилар баҳсида ҳамюртимиз Дилдора Убайдуллаева катта муваффақиятга эришди. У дастлаб Беларусь ва Россия вакиллари билан финалга йўлланма олди. Ҳал қилувчи баҳсда эса венесуэлалик самбочига ҳеч қандай имконият қолдирмагани ҳолда олтин нишонни қўлга киритди.

56 килограммгача самбочилар турнирида эса яна бир вакилимиз Сарбон Эрназаров 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Куни кеча шаҳримиз аэропортида жаҳон чемпионатида муваффақият қозонган спортчиларни ота-оналари, дўстлари, яқинлари кутиб олишди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: нуфузли турнирда муваффақият қозонган самбочиларимиз.

Алексей Попов олган сурат

ГИЛАМДА — ЁШ ПОЛВОНЛАР

Маълумки кейинги йилларда эртаимиз давомчилари бўлган ёшларнинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида катта саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Хусусан азалий қадриятимиз ҳисобланган, ҳалоллик, инсонпарварлик фазилатларини ўйда мужассамлаштирган ўзбек курашчи янада ривожлантириш, ёш авлоднинг жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб вояга етишига шарт-шароит яратиш, маҳаллаларда вояга етаётган ўғил-қизларни спорт билан шуғулланиш ва турли мусобақаларда иштирок этишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси каби бир қатор ташкилотлар билан биргаликда «Маҳалламиз пахлавонлари» республика турнири мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

— Миллий кураш бўйича 1995-1996 йилларда туғилган ўғил ва қиз бола-



лар ўртасида ўтказилиб келинаётган ушбу мусобақа ёшларимиз ўртасида катта қизиқишга эга ва унда қатнашувчилар сафи ҳам тобора ортиб бормоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси бош мутахассиси Ҳайдарали Қораболаев. — Учта босқичда ўтка-

зиладиган ушбу мусобақанинг ўсиб келаётган ёш авлод камолотида муносиб ҳиссаси бўлади, албатта.

Яқинда «Маҳалламиз пахлавонлари» мусобақасининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда муваффақиятли қатнашган Собир Раҳимов туманидаги «Ачаобод» маҳалласи вакили Иброҳим Ўткиров яхши натижа кўрсатиб учинчи ўринни эгаллади. Шу туман вакиллари бўлмиш Акбарали Ёқубжонов, Шухрат Эргашев, Юнусобод туманининг «Шодлик» маҳал-

ласидан иштирок этган Шахло Фаҳриддинова ва Захро Пулатовалар ҳам пойтахт шарафини муносиб ҳимоя қилиб фахрий ўринларни эгалладилар.

Тадбир сўнггида ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Маҳалламиз пахлавонлари» мусобақасининг республика босқичидан лавҳалар.



Куз хазонрезги фасл. Аммо олтин кузнинг ўзига яраша ташвишлари ҳам бор. Одамлар кўпроқ маҳалла, хонадонларни саранжом-сарийшталаб турли хил чиқинди, айниқса, дарахтдан тўкилган япроқларни тўплаб, атроф-муҳитни тоза сақлашга эътибор қаратадилар.

Дарвоқе, озодалик ва сарийшталак нима етсин? Аммо хазонларни ёқишга асло йўл қўймаслигимиз керак. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дарахт барглари, чиқиндилар ёнганда атроф-муҳит ифлосланади, энг ташвишли томони, бу инсон саломатлигига салбий таъсир этади. Аҳамият берганмисиз, барглар тўкилишидан олдин тўқ рангга кириб, чангга беланиб қолади. Чунки, яшил барглар баҳор, ёз бўйи атмосфера ҳавоси ва тупроқдаги турли токсик моддаларни—автотранспорт, саноат чанг-тўзонини «ютиб» олган бўлади.

Хазонлар ёқилганда кул таркибидеги оғир металл заррачалари тупроқнинг юқори қисмида тўпланиб қолади ва атмосфера ҳавоси булғанади. Оддий целлюлоза, яъни полимер ёнганда полициклик моддалар ҳосил бўлади ёки маийши чиқиндиларга ўт қўйганимизда турли хил полиароматик углеводородлар, ўта захарли, инсон саломатлиги учун хавф-

ли канцероген модда (бензапирен) ҳосил бўлади.

Маълумки, тутун тар-

Саломатлигимиз ўз қўлимизда

ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАНГ...

кибида асосан монооксид углероди, яъни, ис газини мавжуд. Ис газини соғлиқ кушандаси, у қон таркибидеги гемоглобин билан (метгемоглобинга айланиб) осонгина қўшилади ва инсон организмга кислород етиб боришни кийинлаштиради, танани захарлайди.

Баъзилар ҳаво нам пайтларда ҳар хил чиқинди, шох-шабба ва хазонларни ёқишади. Оқибатда ҳавода инсон соғлиғига хужу қилувчи «модда» пайдо бўлади. Чиқиндига ўт қўйилганда, чала-чулпа ёниб, бурқсиб ётган чиқиндидан ҳавода микрозаррачалар

